

Фосиқлик

05:00 / 28.02.2017 5290

Ҳар бир мўмин мусулмон банда ҳазир бўлиши лозим ва лобудд бўлган қалб хасталикларининг бири фосиқликдир. Фосиқ сўзи луғатда қобиқни тешиб чиқиш маъносини англатади. Шаръий истилоҳда эса, Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқиб, маъсиятларни яширмай очиқ-ойдин бехижолат қиладиган одамга фосиқ дейилади. Одатда, фосиқ деб гуноҳ ишларни қилган мусулмонларга айтилади. Фосиқ сўзи, уламолар истилоҳида, гуноҳи кабира қилиб ёки кичик гуноҳларда бардавом бўлиб, Аллоҳнинг амридан чиқишдир. Қуръони Каримда эса, мавзуга қараб, кофир ва мунофиқларни ҳам баъзан фосиқ дейилади.

Аллоҳ таоло «Сажда» сурасида: **«Ахир, мўмин бўлган одам фосиқ бўлган одамдек бўладими?! Тенг бўлмаслар. Ҳа, иймон келтириб, яхши амалларни қилганларга, бас, уларга қилиб ўтган амаллари учун жаннатул маъво манзилдир. Аммо фосиқлик қилганлар эса, бас, уларнинг жойлари дўзахдир. Ҳар қачон ундан чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтарилурлар ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган дўзахнинг азобини тотинг», дейилур»,** деган (18 – 20 - оятлар.

Ушбу ояти карималарда фосиқлик мўминлик муқобилида зикр қилинмоқда. Демак, кофирлик деганидир.

Мунофиқни ҳам фосиқ дейилишига «Тавба» сурасидаги қуйидаги оят далилдир: **«Албатта, мунофиқлар - улар фосиқлардир»** (67-оят).

Кофирликка етиб бормайдиган, маъсият маъносидаги фосиқликка далил «Бақара» сурасидаги қуйидаги оятдир: **«Олди-сотди қилганингизда, гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин. Агар (аксини) қилсангиз, албатта, бу фосиқлигингиздир. Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм беради. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир»,** (282 – оят).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳам ўз ҳадисларида фосиқликни қаттиқ қоралаганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмонни сўкиш фосиқликдир ва у билан қитол қилиш кофирликдир»,** дедилар». Икки шайх ривоят қилган.

Ўтган уламолардан аз-Зажжож раҳматуллоҳи алайҳи: «Бадгумонлик-яхши

кишилар ҳақида ёмон гумон қилишлиқдир. Аммо аҳли фисқ бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган эса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор», деганлар.

Маълумки, фосиқлик катта гуноҳ ҳисобланади. Шариат кўрсатган чегарадан чиқиб, гуноҳ ишларни қилувчилар фосиқ ҳисобланади. Фисқ диндан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирганлар диндан чиқади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда сўкиш фисқ, уруш эса куфр дейилапти. Чунки фисқ куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам урушга олиб боради.

Фосиқликнинг зарарларидан:

1. Фосиқлик Аллоҳ таолонинг, Унинг расулининг ва мўминларнинг ғазабини жалб қиладиган нарсадир.
2. Гоҳида фосиқлик миллатдан чиқариши ҳам мумкин.
3. Фосиқ жамиятга зарарли инсондир.
4. Фосиқлик мунофиқликка, у эса дўзахга олиб боради.
5. Фосиқлик тарқалган жамият парчланади.

Мўмин банда фосиқликнинг ҳар бир кўринишидан ўзи олиб қочиши даркор. Доимо бу нарсанинг зарарларини эсдан чиқармай юриши керак. Мабодо билиб билмай баъзи фисқ ишларини содир этган бўлса, дарҳол тавбага ошиқиши лозим.